**Ушбу сонда:** **2** ТАЪТИЛ ҚАНДАЙ ЎТМОҚДА, БОЛАЖОН? **3** TV-ДАСТУРИ **4** ПУЛ ГАДОЛАРИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ - ОЛИЙ БАХТ

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

1999 йил 3 июл, шанба №88 (735)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ БИРИНЧИ БАКАЛАВРЛАРИГА

Азиз ўғил-қизларим!

Барчангизни ҳаётингиздаги унутилмас қувончли кун - мустақил Ватанимиз тарихида биринчи бўлиб бакалаврлик дипломига сазовор бўлганингиз билан чин қалбимдан табриклайман.

Сиз бугун мамлакатимизда амалга оширилаётган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг қалдирғочларисиз. Халқимиз орзу қилаётган баркамол авлод вакиллари сифатида ҳар бирингиз муқаддас Ватанимизга садоқатли, эл-юртимизга фидойи фарзандлар бўлиб яшашингизга ишонаман.

Олим бўлиш осон, лекин одам бўлиш қийин. Аввало ота-боболаримиздан қолган маънавий қадриятларимиз ва урф-одатларимизга содиқ бўлиш, Ватанимизни ҳар қандай ёвуз кучлардан, хавф-хатарлардан, бало-қазолардан асраш, халқимизнинг тинч ва осуда ҳаётини ҳимоялаш барчамизнинг инсоний бурчимиздир.

Мен сизларга катта ҳавас билан қарайман. Негаки, сизлар одамларимиз учун муносиб ҳаёт барпо этишга, жамиятни янгилашга қаратилган туб ислоҳотлар даврида яшаяпсиз. Ҳар бир инсон, айниқса ёш авлод учун Оллоҳ берган ақл-заковатини ва кучқудратини тўла намоён этиш учун барча йўллар ва имкониятлар очилаётган, интилиш, изланиш ва тадбиркорлик тушунчалари ҳукмрон бўлиб турган масъулиятли даврда яшаяпсиз.

Ишончингиз комил бўлсинки, олган билимларингиз, ҳаётни ўзгартириш ва яхшилаш йўлидаги жўшқин интилишларингиз рўёбга чиқишида, Ўзбекистонимизнинг жаҳоннинг тараққий топган давлатлари қаторидан ўрин олиши йўлидаги меҳнатингизда мен сизларга ҳар доим таянч ва суянч бўлишни ўз бурчим, деб биламан.

Азиз болаларим, фарзандларим!

Асл миллий қадриятларимизга хос ота-онага ҳурмат, оилани эъзозлаш ва мустаҳкамлаш, эл-юрт назарида эътибор қозониш каби олижаноб фазилатлар сизларга доим ёр бўлсин. Ҳар бирингизга буюк аждодларимизнинг муносиб ворислари бўлиш насиб этсин.

Сизларни яна бир бор бағримга босиб, чин қалбимдан табриклаб, бахту саодат, ҳаётингизда катта-катта омад ва зафарлар тилайман.

Оллоҳ сизларни ҳамиша ўз паноҳида асрасин!

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

### *Ғалла-99*

**Ҳозирги кунда қаерда бўлманг, деҳқонларимизнинг қалб кўри, реза-реза пешона тери эвазига бунёд этилган ғалла ҳосилини нест-нобуд қилмай йиғиштириб олиб, қабул пунктларига топшираётганининг гувоҳи бўласиз. Биз шундай дамларда Уйчи туманидаги «Бирлашган» жамоа хўжалиги ғаллазорларида бўлдик. Саратон шабадасида оҳиста чайқалаётган буғдой бошоқларини кўриб кўзлар қувонади. Буғдойзорларда комбайнлар шитоб билан ишламоқда. Бункерларда тўлган дон пешма-пеш қабул пунктларига жўнатилмоқда.**



## ХИРМОН ТЎЛИБ, ТЎКИЛДИ ДОН

Турсунбой Усмонов бошлиқ бригада хўжаликда биринчи бўлиб, йиллик дон тайёрлаш режаларини бажарди. 17 гектар майдондаги буғдойни юқори агротехника қоидалари асосида парвариш қилган жамоа 89 тоннадан зиёд сара дон тайёрлади. Ҳосилдорлик 53 центнердан тўғри келди. Пудратчи Абдусамад Ҳайитмирзаев ихтиёридаги 6 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 55 центнердан ҳосил олишга эришди. Иззатилла Ҳакимов, Иброҳимжон Ҳийитмирзаев, Умиджон Турдиқулов сингари пудратчилар мусобақада пешқадамлик қилишди. Ғолиблар моддий рағбатлантирилиб, икки тоннадан буғдой берилди.

Хўжаликда ўрим-йиғимда ишловчиларга қулай шарт-шароитлар яратиб берилган. Ошпаз Абдухалил Ҳамидов эса ғаллакорларга 4 маҳал иссиқ овқат тайёрлаб бераяпти.

352 гектар майдон 48 нафар пудратчига бўлиб берилган. Ғолиблар ҳар беш кунда рағбатлантирилиб борилаётир. «Кейс» комбайни ҳайдовчилари Тоҳиржон Шодмонов ва Адҳамжон Эгамбердиевлар хирмонга барака киритаётирлар. Абдурасул Муллахонов, Эркин Йигиталиев сингари комбайнчилар эса 5-6 гектардаги буғдойни ўриб-янчиб бермоқдалар.

Бирлашганлик ғаллакорлар ихтиёрларидаги майдонлардан 52,7 центнердан жами 1855 тонна ҳосил етиштиришга, унинг 1141 тоннасини давлатга сотишни режалаштиришган. Ҳосилдорлик гектарига 50 центнердан юқори бўлаяпти.

Қишлоқ хўжалигида ислоҳатларни чуқурлаштириш йўлида астойдил меҳнат қилаётган уйчилик ғаллакорлар ўз ишларини Республика Вазирлар Маҳкамасининг «1999 йилги бошоқли экинлар ҳосилини ўриб-йиғиб олиш чора-тадбирлари тўғрисидаги» қарори асосида ташкил этмоқдалар. Улар 5803 гектар майдонда деҳқончилик қилиб, мўл-кўл ҳосил яратдилар. Ғаллакорларнинг бу йилдаги ниятлари янада улкан. Улар 28,847 тонна дон етиштириш ва унинг 17,380 тоннасини давлатга сотиш, ҳар гектар майдондан 49,7 центнердан ҳосил олиш, 600 тонна уруғлик тайёрлашни кўзлашган.

— Бу йилги ўрим-йиғим мавсумига ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўрган ҳолда келдик,-дейди туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Нурмирза Комилов. Мавжуд 45 та комбайн шундан 5 таси «Кейс» комбайнлари сифатли таъмирланди. Иш икки сменали олиб борилаяпти. Ишловчиларга қулай маданий-маиший шароитлар яратиб берилди. Ҳар 5 кунда пул бериш йўлга қўйилган. Илғорлар рағбатлантирилиб борилаётир. Ниятимиз ҳосилни нес-нобуд қилмай, қисқа иш кунларида йиғиштириб олиш. Ютуқларимиздан яна бири «Учқўрғон донмаҳсулотлари акционерлик жамиятининг дон қабул қилиш пункти» туманимизда фаолият кўрсатаётганлигидир. Бу ҳар томонлама иқтисодий самара бераётир.

Туман хўжаликларида ўрим-йиғим ишлари қизғин давом этмоқда. Кунига 230-240 гектар ердаги ҳосил ўриб олинаётир. Бир сўз билан айтганда уйчилик аҳдига вафодорлар бор имкониятлардан самарали ва оқилона фойдаланмоқдалар.

**Муҳаммаджон ҚОДИРОВ.**

## ҚЎШИҚ БАЙРАМИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тасарруфидаги ўқув юртлари ўртасида Ўзбекистон қўшиқ байрами кўрик-танловининг якунловчи босқичи бу гал Самарқандда ўтказилди.

Мамлакатимиз мустақиллигининг 8 йиллиги байрамига бағишланган ушбу тадбирда республикамизнинг қирқ саккизта ўқув юрти бадиий ҳаваскорлик жамоалари миллий қўшиқчилигимизнинг турли жанрлари асосида тузилган ранг-баранг дастурларини намойиш этди. Халқимиз қўшиқчилик санъатининг бой анъаналари замонавий қўшиқчилик тажрибалари билан ўзаро уйғунлашиб кетган бу дастурларда она диёримиз, меҳнаткаш халқимиз, тинч ва осойишта турмушимиз, ёшлик, муҳаббат ва садоқат, меҳр-оқибат, ватанпарварлик, инсонпарварлик ғоялари тараннум этилди.

Кўрик-танлов натижасига кўра Тошкент давлат жаҳон тиллари университети талабалари биринчи ўринни эгаллади. Улар энди Ўзбекистон қўшиқ байрами республика кўрик-танловида иштирок этади.

## ЁШЛАР ТАРБИЯСИГА ЭЪТИБОР

**Жиззахда мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги мухбири саволларига жавобларида илгари сурилган тамойиллар асосида вилоятда ижтимоий-маънавий муҳитни янада соғломлаштириш, аҳолини, айниқса ёшларни миллий ва умумбашарий руҳда тарбиялаш, диний ақидапарастлик ва экстремизмнинг ҳар қандай кўринишларининг пайини қирқиш масалаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.**

**Йиғилишни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ҳ.Кароматов олиб борди.**

**Сўзга чиққанлар юртимизда мустақиллик йиллари мобайнида иқтисодиёт ва ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида буюк ўзгаришлар амалга оширилгани, шаҳар ва қишлоқларимиз обод бўлиб, янги-янги улкан иншоотлар, уй-жой бинолари бунёд этилаётгани, неча минг йиллик қадриятларимиз тикланаётгани ҳақида гапирдилар. Буни кўролмаётган ғаламис кучлар тараққиётимиз йўлига тўғоноқ бўлишга, бу қабиҳ ишга ҳали маънавий ва мафкуравий ғўр айрим ёшларни жалб этишга уринаётганлигига эътибор қаратилди. Буларнинг ҳаммаси ёшлар тарбиясига янада жиддий эътибор бериш, бу борада оила, мактаб, маҳалла ва турли жамоат ташкилотлари, айниқса республика ёшларининг «Камолот» жамғармаси ҳамкорлигини таъминлаш муҳим эканлиги алоҳида қайд этилди. Маънавиятни юксалтириш, таълим-тарбияни кучайтириш борасидаги аниқ вазифалар белгиланди.**

**Йўлчи ЖЎРА,**
**ЎзА мухбири**

### *Бандлик дастури амалда*

## «БЎШ ИШ ЎРИНЛАРИ ЯРМАРКАСИ»

**Андижон ҳудуд жиҳатидан мамлакатимиздаги энг кичик вилоят. Бошқача айтганда, унинг ер майдони республика ҳудудининг юздан бир қисмига ҳам тўғри келмайди. Бироқ вилоятда аҳоли зичлиги юқори. Яъни Ўзбекистон аҳолисининг ўндан бир қисми мана шу ерда яшайди.**

Шундай бўлгач, табиийки, ишсизлик вилоятдаги долзарб муаммолардан биридир. Маълумотларга кўра бугун вилоят бўйича 4,5 минг нафар ишсизлик мақомини олган фуқаролар бор. Уларнинг 2 минг 630 нафари хотин-қизларни ташкил этади. Бундан ташқари уйма-уй олинган рўйхатга асосан Андижон бўйича 31,5 минг нафар ишлашни хоҳловчи иш билан банд бўлмаган аҳоли бор. Улардан 15,6 минг нафари аёллардир. Уларнинг 12 минг нафари қишлоқда, 3,6 минг нафари шаҳарда истиқомат қилишади.

Бу муаммони бартараф этиш учун нима ишлар қилиняпти? Айниқса, Аёллар йилида хотин-қизларни ижтимоий меҳнатга жалб этишнинг аҳволи қандай?

Вилоят ҳокимлигининг аҳолини иш билан таъминлашга қаратилган дастурига кўра 1999 йилнинг биринчи ярмида жами 11 минг 308 та янги иш ўринлари яратилиш керак эди. Ҳақиқатда 12 минг 254 та иш ўринлари барпо этилди. Бу эса ўтган йилгидан бир мингтага кўпдир. Ёки 1998 йилнинг 6 ойи давомида хотин-қизлар учун 2 минг 738 та иш жойлари яратилган бўлса, бу йил бу кўрсаткич 3 минг 619 тани ташкил этди. Қўрғонтепа, Балиқчи, Избоскан, Марҳамат туманларида ҳамда Андижон шаҳрида бу борада бой тажриба тўпланди. Булоқбоши ва Андижон туманларида эса устоз-шогирд йўли билан ёшларни ҳунармандчиликка жалб қилиш намунали йўлга қўйилган.

Устоз-шогирд дастури асосида аҳолини меҳнатга жалб этиш ижтимоий ҳимоянинг энг қулай усулидир,- дейди вилоят меҳнат, бандлик ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш бошқармаси бошлиғи, касаба уюшмалари кенгаши раёсатининг аъзоси Исмоилжон Мамасолиев. - Бу усулда иш юритиб миллий қадриятларимизни тиклаш ишига муносиб ҳисса қўшаяпмиз. Иккинчидан, устоз ҳам, шогирд ҳам моддий манфаатдорликка эришаяпти. Муҳими - бу йўлни танлаган ёшлар яхши бир ҳунар соҳиби бўлиб оладилар. Шу сабабли биз ҳамиша касаба уюшма фаоллари билан ҳамкорликда ишлаб келамиз. Бу ҳамкорлик жойларда ўз самарасини бераётганини кўриб қувонамиз.

Бошқармада кичик, ўрта ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш йўли билан ҳам хотин-қизлар учун янги иш ўринлари яратишга ҳаракат қилинмоқда. Шу мақсад учун жорий йилнинг ўзида бошқарманинг 2 фоизли бандлик жамғармасидан ҳуқуқий шахсларга 61 миллион сўмдан зиёд имтиёзли кредит ажратилди. Берилган маблағ эвазига Хўжаобод туманидаги «Оху» фирмаси томонидан 80 киши ишлайдиган тикувчилик корхонаси, Андижон туманидаги «Туркистон» фермер хўжалиги томонидан 52 та ишчи ўрнига эга бўлган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш корхонаси барпо этилади. Бўз тумани марказида эса Германиянинг «ПФАФ-Зингер» фирмаси билан ҳамкорликда 80 нафар хотин-қизлар учун ишчи ўрни яратилмоқда. «Дилшод» хусусий савдо дўкони томонидан савдо ишлаб чиқариш соҳасига таклиф этилади. Ёки шу йўл билан яратиладиган 240 иш ўрнининг 198 таси аёллар учун мўлжалланмоқда.

Мақсадга эришишда вилоятнинг шаҳар ва туманларида тобора анъана тусини олиб бораётган «Бўш ишчи ўринлари ярмаркаси»нинг аҳамияти катта бўлаяпти.

**Шукрулло НЕЪМАТОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**



Алимардон, Азамат, Алимурод, Ҳасан Исломовлар Музробод туманидаги А.Набиев номли хўжаликдан 36 гектар ерни ижарага олган эдилар. Ишнинг кўзини биладиган Исломовлар оиласи етиштирган мазали олмалар ҳозир бозор пештахталарига чиқарилди. Шу кунгача қарийиб 15 тонналик сара, тотли олмаларни харидорлар сотиб олдилар ва яна буюртмалар бермоқдалар.

Жорий йилда Исломовлар 5 гектар ерга «Термиз-42» навли ингичка толали пахта экканлар. Бугун далаларда ғўза кўчат ораларига ишлов бериш қизғин паллада.

**Суратда: механизатор Ўктам Бегимкулов, Исломовлар даласидаги ғўзалар ривожидан мамнун.**

**И.ХЎЖАЕВ (ЎзА) олган сурат.**

### *Касаба уюшмалари инсон ҳақ-ҳуқуқининг устувор ҳимоячиси*

## НАФАҚА УНДИРИЛДИ

**Қоракўллик Шодмоной опа шодон кайфиятда уйига қайтди. У кишини тушунса бўлади. Негаки, онахоннинг қанча йиллардан буён турли идора ва маҳкамалар олдига қўйиб келган талаби ниҳоят қондирилди.**

Воқеа талқини эса шундай. Бундан роппа-роса ўн йил олдин, Шодмоной Эгамбердиева сира кутилмаганда бахтсиз ҳодисага дуч келади. Ўшанда у туман марказий касалхонасида оддий кир ювувчи бўлиб ишларди.

1989 йилнинг 8 февралида тушдан кейин кир ювиш машинаси олдида туриб, охирги чойшабни олаётганда бехосдан машинанинг барабани айланиб, Шодмоной опанинг қўлини мажақлади. Яхшиямки Раҳмон Гадоев ҳамда Шукур Ҳайитовлар шу атрофда бўлгани, улар дарҳол ёрдамга етиб келишади.

Шундан сўнг Шодмоной опа узоқ вақт касалхонада ётиб даволанади. Лекин ҳар қанча уннамасин, қайта ўз ишини давом эттира олмайди. Чунки бунга олган жароҳати йўл бермас эди.

Нима қилиш керак?! Шодмоной опа анча вақт ўзига келмай юради. Ундан-бундан кўмак сўрасинми? Аммо ҳа деганда мадад қўлини чўзадиган мард топилмаса-чи?!

Ниҳоят опа касалхона маъмуриятига, тумандаги бошқа идораларга, ҳаттоки меҳнат бўлимининг Давлат меҳнат техник нозирига мурожаат қилади. Текширувчилар жароҳат олинганлиги билан боғлиқ тафсилотларни ўрганиб чиқиб, кир ювиш машинасининг барабанларни айлантирувчи тасмалари бўшаб кетганлиги оқибатида мана шундай фалокат рўй берганлигини эътироф этадилар. Лекин ўша пайтда жароҳат олиш билан боғлиқ далолатнома тузилмаганлиги масалани ойдинлаштиришни қийинлаштиради. Қўли учтўрт марта операция қилинишига қарамай жароҳат излари битмай, қолаверади. Бундан азият чекиб Ш.Эгамбердиева яна ҳар галгидек ноқулай аҳволга тушиб қолди.

Охири опа Бухоро вилоят соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси қўмитасига (қўмита раиси Ш.Султонов) ариза билан мурожаат қилади. Қўмита аралашуви билан Шодмоной Эгамбердиеванинг жароҳати ҳақиқатдан ҳам иш устида, аниқроғи, ишлаб чиқариш жараёнида олинганлиги ўз исботини топиб, у кишига ногиронлик нафақаси тайинлашга қарор қилинди.

Ҳечдан кўра кеч бўлгани яхши, дейишади. Шодмоной опа ҳам бугун ўз-ўзига шукроналар айтиб турибди. Лекин бундай қаралса, кичкина бир масала ечимини топиш учун ўн йил елиб, югуриш осонми, ахир! Қанчадан-қанча асаб томирлари емирилиб, қанча соғлигидан айрилганининг ҳисобини ким қилади? Умуман, шундай ҳисоб-китоб борми ўзи?

Ўйлаймизки, Шодмоной опа Эгамбердиеванинг бошидан кечирганлари барча учун сабоқ бўлади. Темирни қизиғида бос, деб бежиз айтмайдилар.

**Усмон НАВРЎЗ,**
**«Ишонч» мухбири.**

## МИНТАҚАВИЙ КУРСЛАР НИҲОЯСИГА ЕТДИ

**Тошкентда бир неча кун давом этган фуқаро мудофаасини режалаштириш ва фуқаро-ҳарбий ҳамкорлик бўйича НАТОнинг минтақавий курслари ниҳоясига етди.**

Ушбу анжуманда фавқулодда вазиятлардан огоҳлантириш, унинг оқибатларини тугатиш, бундай ҳолатларда тегишли маҳкамаларнинг ҳаракатини мувофиқлаштириш, бу борада турли мамлакатларда тўпланган тажрибалар хусусида маърузалар ўқилди.

Таъкидлаш жоизки, минтақавий курсларда иштирок этган хорижлик мутахассислар мазкур тадбирнинг жуда юқори савияда ташкил этилганини қайд этди. Айниқса, улар Ўзбекистонда фавқулодда вазиятлардан огоҳлантириш ва унинг оқибатларини тугатишда тўпланган тажрибага юқори баҳо берди.

Жигаристонда ер кўчкиси содир бўлиб, айрим юртдошларимиз тупроқ остида қолиб кетганидан буён кўп йиллар ўтди. Бу фожеадан Ўзбекистонда тўғри хулоса чиқарилди. Кўчки хавфи бор барча ҳудудлар доимий назоратга олинди. Бу саъй-ҳаракатлар ўз натижасини бермоқда. Жигаристон фожеасидан буён ўтган вақт мобайнида мамлакатимизда бирор инсоннинг бундай офат қурбони бўлишига йўл қўйилмади. Жумладан, ўтган йили Қамаши туманидаги Лангар қишлоғида улкан кўчки содир бўлиши хавфи ўз вақтида аниқланди. Қишлоқ аҳолиси бу хавфдан огоҳ этилиб, 48 хонадонда истиқомат қилувчи 250 нафарга яқин киши бехавотир жойга кўчирилди. Орадан кўп ўтмай, содир бўлган кўчки 22 хонадонни босиб қолди, бошқа уйлар ва мактаб биносига шикаст етди. Аввалдан кўрилган чора-тадбирлар натижасидагина бу офатдан аҳоли ўртасида қурбонлар бўлмади. Ҳаттоки, бирорта уй ҳайвонининг нобуд бўлишига йўл қўйилмади.

Республикамизда амалга оширилаётган бундай ишлар тўғрисидаги мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Бироқ юртимизнинг табиий-жўғрофий жойлашуви ва иқлими доимий ҳушёрликни талаб этади. Зотан, табиий офатлардан ҳеч бир давлат кафолатланмаган. Шу маънода фавқулодда вазиятларда иш олиб бориш мавзуида ўтказилган НАТО минтақавий курсларининг аҳамияти жуда катта бўлди, дейиш мумкин.

Минтақавий курсларнинг ёпилиш маросимида Ўзбекистон Республикси фавқулодда вазиятлар вазири Б.Қосимов сўзга чиқди.

**Анвар КАРИМОВ,**
**ЎзА мухбири.**

## ҚАБИҲЛАРНИНГ АСЛ ҚИЁФАСИ

Оила аъзоларимиз билан телевидениеда намойиш этилган «Февраль воқеалари» фильмини кўриб, юракларимиз ларзага келди. Ё тавба, шундай жаннатмакон ўлкада, юздан зиёд миллат ва элат вакиллари эмин-эркин яшаётган, меҳнат қилаётган мамлакатда, наҳотки бу даражада қабиҳ ниятли кимсалар ҳам бор бўлса, дея ёқа ушладик.

Фильмда қўпорувчиларнинг асл қиёфалари, уларнинг орқасида кимлар турганлиги ҳаққоний тарзда очиб берилдики, шубҳасиз, ҳар бир ўзбекистонликнинг онгига, шуурига шу заҳотиёқ етиб борди. Шаҳидлар ота-оналари, қариндошлари тўккан кўз ёшлар тасвирланган лавҳалар юракларни ўртади. Мендек 82 ёшни қаршилаган инсон ҳам кўз ёшларимни тия олмадим.

Мен ўттизинчи йиллардаги шўро қатағонларининг ҳам шоҳиди бўлдим, уруш даҳшатларини кўрдим. Шундан кейин ўттиз йилдан ортиқроқ эл-юрт учун баҳоли қудрат ишладим. Тангри таолло менга Ўзбекистондек буюк Ватаннинг мустақиллигини кўришни насиб этди. Ислом Каримовдек мард, узоқни кўра биладиган Юртбошимизни бизга бош қилди. Бунга шукр қилиш керак! Ўтган саккиз йилдаги беҳисоб ўзгаришларни кўриб, кўзимга беихтиёр қувонч ёшлари келади. Яратган эгамга шукроналар айтаман.

Лекин, шуларни кўра олмайдиган басир қўпорувчилар, муқаддас ислом динини ниқоб қилиб олган ақидапарастлар, уларнинг ортида ватанфуруш ҳомийлари бор экан, Яратган уларнинг жазосини беради, албатта. «Февраль воқеалари»ни кўриб, беихтиёр буларнинг инсон деб аталишга ҳаққи бормикан, уларни ҳам ота-она тарбияладимикан, деган ўйга бордим. Шундай экан, Юртбошимиз таъкидлаганидек, ёшу қари, миллат ва элатидан қатъий назар барчамиз огоҳ бўлайлик! Ахир шу азиз Ватан сизу бизники, ҳаммамизники!

**Норбой МАТМУРОДОВ,**
**«Нуроний» жамғармаси Тўрткўл тумани бўлими раиси (ЎзА)**

## БУ - ҚИЗИҚ

### УЛУҒБЕК КВАДРАНТИ

Мутахассислар буюк аллома расадхонасини ўрганаётиб бир нарсага эътибор қилдилар. Улуғ олим Улуғбек ер юзида биринчи бўлиб йилнинг 365-366 кунлигини ҳам аниқлаган. Ҳисоблашда у бор-йўғи ўн дақиқага адашган, холос.

Бундай аниқ хулосага эга бўлиш учун бугунги кунда замонавий қурилмалардан, шу жумладан, квадрантдан фойдаланишга тўғри келади. Бу ўлчов асбоби билан ҳар қандай қурилмаларнинг ерга нисбатан қай ҳолатда турганлиги аниқланади.

Агар мунажжим Улуғбекда шундай ўлчов бирлиги бўлмаганда у расадхонадаги плиталарни ерга нисбатан аниқ бир ҳисоб билан териб чиқолмасди. Демак, унда албатта шундай ўлчов асбоби бўлган. Ҳозир у қаердадир ётган бўлиши ҳам мумкин.

### ЯШАШ УЧУН КУРАШ

Жониворларнинг душмандан сақлайдиган турли хусусиятлари бор. Масалан, типратиканни олайлик. Унинг вужуди тикандан иборат бўлиб, душманни кўриши билан коптокдек думалоқ бўлиб олади-да тиканлари ичида жон сақлайди. Қани ушлаб кўрингчи, қўлга игнадек санчилади.

Лекин унинг бу найзаларидан тулки қўрқмайди. Айёр тулки, юмалоқ бўлиб олган типратиканни сувга итаради. Сувга тушган бечора типратикан танасини ёзиб юборишга мажбур бўлади. Шу заҳоти тулки уни таппа тишлаб ейди.

* *

Укки эса типратиканни узун тирноқлари билан чалқанчасига ётқизади-да, қорнини чўқийверади. Шундай қилиб ўлжани қўлга киритади.

* *

Африканинг баъзи жойларида панголин деган сут эмизувчи ҳайвон яшайди. Унинг гўштини маҳаллий халқ ейди.

У асосан чумоли ва майда ҳашоратлар билан овқатланади.

Панголиннинг энг ашаддий душмани бўлмиш қоплон ҳамиша унинг пайида бўлади. Бу ҳайвон душманларидан зирҳига яшириниб жон сақлабгина қолмай, кези келганда мугуз зирҳ ичидаги бақувват думи ва ўткир тирноқлари билан ҳужум қилади.

У фақат кечалари овга чиқади, кундузи ухлайди.

### ҚАЙСИ ҲАЙВОН ЯХШИ СУЗАДИ

- Ҳайвонларни сузишга ота-оналари ўргатган эмас, табиат уларга бу одатни туғма ато этган. Умри фақат қуруқликда ўтадиган шундай ҳайвонлар ҳам борки, улар бемалол сувда суза оладилар.
- Мушук эса сузишга нўноқроқ. Айниқса, сувга дастлаб тушган ёки тажрибасиз ёш мушуклар сувда аранг ўзини тутиб туради.
- Сузишда итларга етадиган ҳайвон топилмаса керак. Улар сувда сузишни ёқтиради, ўзини эркин тутади. Шунинг учун қуруқликда яшайдиган ҳайвонлар орасида уни сузиш бўйича чемпион деса ҳам бўлади.
- Хўроз-чи! У сувда ҳам хўрозлигини унутмайди. У боши ва думини кўтаради-да, кичик тўлқинларни кесиб, қирғоқ томон бемалол сузаверади.

### СОВУҚДАН САҚЛАНИШ ЙЎЛИ

Нима учун кишилар совуқ қотганларида беихтиёр қалтирай бошлайди? Қалтираш баданни совуқдан сақлаш йўлларидан биридир. Титраш пайтида мускулларнинг қисқариши кузатилади. Мускуллар иши баданда иссиқликка айланади.

### ҚОРАМТИР РАНГ ФОЙДАСИ

Қутб вилоятларида ва баланд тоғли туманларда яшайдиган ҳашоратлар, кўпинча, қорамтир рангда бўлади. Бунинг сабаби шуки, қорамтир ранг иссиқлик нурларини яхшигина ютади.

Шу сабабли ҳам ҳашоратларнинг тана ҳарорати ташқи муҳит ҳавосига қараганда анчагина юқори бўлади.

**А.АЛИЕВ тайёрлади.**

## ФЕСТИВАЛГА ТАЙЁРГАРЛИК

Мирзо Улуғбек номидаги Тошкент Давлат Университети маданият саройи қошидаги Талабалар академик хори жамоаси ўтган йили Германияда бўлиб ўтган умумжаҳон ёшлари фестивалида «Ўзбекистон» қўшиғи билан фахрли ўринлардан бирини эгаллаган эди. Бу йил эса жамоа Австралияда ўтказиладиган хор санъати ижрочилари танловида қатнашади.

Айни кунларда 35 нафар ҳаваскор талабани бирлаштирувчи ушбу гуруҳ фестивалга қизғин ҳозирлик кўрмоқда. Унинг репертуаридан ўнлаб мумтоз ва замонавий қўшиқлар ўрин олган.

Қаерда ишчи-хизматчиларнинг меҳнатдан сўнг мароқли ҳордиқ чиқаришлари учун зарур шарт-шароитлар яратиб берилса ўша ерда кишиларнинг меҳнатга бўлган муносабати ҳам, иш унумдорлиги ҳам яхши бўлади. Беруний туманидаги машина-трактор парки маъмурияти ҳам техника ихлосмандларига доимий ғамхўрлик қилиб келмоқда. Айни вақтда трактор парки қошида 50 ўринли санаторий фаолият кўрсатмоқда. Дам олиш масканида механизаторлар билан бир қаторда меҳнат фахрийлари ҳам ҳордиқ чиқаришмоқда.



**Суратда: санаторийда ўз саломатликларини тиклаб дам олаётган онахонлар Б.Тўрабоева, Ш.Сафарбоевалар.**

**Б. ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**

*Истиқлол берган имкон*

## РАСМЛАРДА ЮРТ ЧИРОЙИ

**Ложувард осмонда, поёнсиз кенгликлар узра эркин парвоз килиб юрган куш туткунлик гирдобига тушса, адо бўлади. Қафас, гарчанд у олтиндан бўлса-да, кушнинг парвозига имкон бермайди. «Олтин қафас ичра қизил гул битса-да» (Навоий), унинг дилларга завқу шавқ улашувчи оромбахш сайроқи овозини эшитмайсиз...**

**Ижод аҳлини ҳам бежиз кушларга қиёс қилишмайди. Чунки улар ҳам эркинликдагина шоҳ асарлар яратиш имконига эга бўладилар. Халқимиз асрлар бўйи орзу қилган истиқлол ижодкорларнинг юксак парвоз қилиши учун ана шундай имконият яратиб берди.**

Бир ярим асрдан буён алиф қадларни дол қилиб келган қулликнинг кўзга кўринмас занжирлари парчаланганига ҳам саккиз йил тўляпти. Ўтган давр мобайнида мўйқалам соҳиблари асрий анъаналарга бой ўзбек рассомчилик санъати довруғини дунё бўйлаб ёйдилар. Юзлаб ёркин бўёқларда акс эттирилган полотнолар яратилди, ўнлаб эсда қоларли кўргазмалар намойиш қилинди.

Шуниси қувончлики, улар орасида таниқли мўйқалам устаси, Республика рассомлар уюшмасининг аъзоси Абдували Мўминов ҳам бор. Қирқ йилки, қилқалам унинг қўлидан тушмайди. Қирқ йилки, мато унинг сирдоши, суҳбатдоши, ўзи эса табиатнинг ҳақиқий ошуфтаси.

Унинг табиатга шайдолиги жуда эрта бошланди. Болалиги иккинчи жаҳон уруши билан баробар бошланган Абдували фронт ортидаги бор машаққатларни бошидан кечирди, гувоҳи бўлди. Меҳрга зор мурғак кўнгил кўзи бемаврӯд бўй кўрсатган мураккабликлару муаммолардан ёшланганда Абдували табиатдан таскин топарди. Зориқишдан зада бўлган дили нилий осмонга тушиши билан равшанлашарди. Қайсидир қариндошига келган қорахат туфайли пайдо бўлган қайғулар оппоқ қорлар безаган қояларни кўрганда қордек эриб кетарди.

Урушдан кейинги йилларда ҳам сой сувларининг тошдан-тошга сакраб оқишларини, осмоннинг янги чиққан ойдан сирға тақишларини, юлдузларнинг бир-бирига сирли боқишларини тинимсиз томоша қилиш унинг доимий машғулотига айланди. Баҳорда борлиқнинг гулларга бурканиши, ёзда ранго-ранг меваларнинг пишиши, кузда олтин ранг товланган боғу роғлар, қишда мармар музликлару кўзни олгудек қорларни кўраркан, унинг наздида табиат энг моҳир рассом бўлиб кўринди. Соҳир табиатнинг сеҳри Абдувалининг қўлига қалам тутқазди, рассомлик санъатига ҳавас уйғотди.

Болаликнинг баҳорий тонгида уйғонган ҳавас уни Беньков номидаги республика рассомчилик билим юртига бошлаб келди. Қон-қонига сингиб кетган тиришқоқлик билан таниқли рассомлардан, меҳрибон мураббийлардан санъат сирларини ўрганди. Табиатга ошнолик, унинг сирларини англаб етиш мақсади ёш Абдувалини Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг бадиий графика куллиётига етаклаб келди. Беш йил давомида шогирд, талаба бўлган Абдували чорак аср мобайнида ўзи ёш рассомларга устозлик қилди. Устозлари Рўзи Чориев, Ўрол Тансиқбоев, Рашид Темиров, Қорахон, Раҳим Аҳмедовлардан ўрганганларини ёш авлодга, бўлажак мўйқалам соҳибларига ўргатди.

Табиатдаги ранглар жилоси, табиий бўёқлар сеҳрига бўлган қизиқиш боис, мураббийлик қилиш билан бирга Тарих илмий текшириш институтининг этнография бўлимида ҳам фаолиятини давом эттирди. Бу бўлим кўпроқ вилоятларга илмий сафарлар уюштирар, Абдували Мўминов ҳам улар билан бирга бўларди. Натижада ҳар бир сафардан ўнлаб эскизлар, қатор табиат тасвирлари, ранг-баранг суратлар билан қайтиб келарди. Шунданми, Абдували Мўминов ижодининг аксарият қисмини бетакрор табиат тасвирлари, гўзал манзаралар, асрларни ҳам қаритган муҳташам обидалар ташкил қилади. Энг муҳими, рассомнинг барча асарларида ўзига хос услуби, маҳорати акс этиб туради. Гарчанд, устозларидан чанқоқлик билан ўрганган бўлса-да, уларни асло такрорламайди.

Ўзига хос йўлдан бораётган иқтидорли рассом оний лаҳзаларда бўлсин, инсон руҳиятига таъсир қиладиган рангларни танлай билади. Мовий рангни кўпроқ ёқтирадиган мўйқалам устасининг асарларини кўздан кечирсангиз, аксарият кузга бағишланган полотноларни кўрасиз. Бурчмулла, Чиноз, Чорвоқ, Бахмал, Бойсун каби гўзал юртимизнинг бетимсол гўшаларидаги куз мавсумининг ўзига хосликлари акс этган рассом асарлари фикримизнинг яққол далилидир.

Мустақиллик шарофати билан янги ижодий имкониятларни кашф этиб бораётган Абдували Мўминов ҳозиргача бешта катта кўргазма ташкил қилди. Унинг қаламига мансуб асарлар нафақат Ўзбекистондаги музейларни безаб турибди, балки Туркия, Америка, Швейцария, Шимолий Кўрия каби қатор чет элларда ҳам машҳур. Ўтган йили Туркиянинг Анқара, Истамбул, Баймурт каби шаҳарларида бўлиб ўтган «Дадақурқут» баҳсига бағишланган кўргазмада Абдували Мўминовнинг йигирмадан ортиқ асари намойиш қилинди.

Рассомнинг «Самарқанд», «Шоҳи Зинда», «Чорвоқ»,«Менинг кўчам», «Бурчмулла», «Бойсун» каби полотнолари томошабинларда қизиқиш уйғотди. Айниқса, унинг «Куз» асари туркларда яхши таассурот қолдирди. Абдували Мўминовнинг натюморт ва манзара асарларини томоша қилган чет эллик ватандошларимиз худди она юртни, Ўзбекистонни кўргандек ҳайратланганини бир неча бор таъкидлашган. Чиндан ҳам Санъат музейини безаб турган «Иссиқ кун»,«Чорсу манзараси», «Ғилон манзараси»,«Бойсун», Тарих музейи томошабинларини ҳайратлантираётган «Бароқхон мадрасаси»,«Самарқанд»,«Менинг ҳовлим» каби асарларда она - Ватан табиати бор бўйи билан акс этиб туради. Айниқса, рассомнинг «Ойдин кеча» полотносида Ўзбекистоннинг бетакрор табиати, сирларни бағрига жо қилган туни, юлдузлар жилосини жилвалантирган сувлар, олтин рангда товланувчи барглар, хуллас, бетимсол юрт нафаси уфуриб турганини кўриш мумкин.

Юзлаб бетакрор асарлар яратган мўйқалам устаси, ўнлаб истеъдодли шогирдлар етиштирган мураббий - устоз Абдували Мўминовнинг иқтидорига нафақат Ўзбекистондаги мутахассислар балки чет элликлар ҳам юқори баҳо беришган. Жумладан, Жазоир Республикасининг Ўзбекистондаги элчиси Абдул Қодир Риом жаноблари рассомнинг санъаткорона асарларини юксак баҳолади. Шунингдек, Франциядаги Ўрта Осиёни тадқиқ қилиш институти директори Винсет Фуруньо жаноблари ҳам Абдували Мўминов асарлари ўзининг жозибадорлиги, рангларининг ўзига хослиги билан диққатга сазоворлигини алоҳида таъкидлади.

Кўриниб турибдики, рассом парвозининг юксакликларга кўтарилишига халқимиз эришган мустақиллик асосий омилдир.

**Темир ҚУРБОН,**
**«Ишонч» мухбири.**

## Мунажжимлар таъбири

**(5 июлдан 11 июлгача)**

- **ҚЎЙ** — Ушбу ҳафтада, айниқса, дастлабки ва сўнгги икки кунда хизматда ва уйда низоларни четлаб ўтишга ҳаракат қилинг. Қолган кунлар барча муаммо ва масалаларни ҳал қилиш учун бароридан келади.
- **БУЗОҚ** — Фақатгина ҳамкорлик руҳи ила ишласангиз яхшигина натижаларга эришишингиз муқаррар. Бироқ чоршанба, пайшанба ва жума кунлари таваккалчиликка ёки ўзибўларчиликка берилмасангиз бўлгани. Баъзи кишилар ҳаётида оилавий муаммолар юзага келиши кутилмоқда.
- **ЭГИЗАКЛАР** — Вазиятлар шундай тизилиб қолиши мумкинки, сиз қандайдир молиявий кирдикорлар домига тушиб қолишингиз эҳтимол. Шунинг учун унутманг: бу сиз учун жиддий нохушликлар, муаммолар билан боғланиб кетади.
- **ҚИСҚИЧБАҚА** — Чуқур таҳлил талаб қилувчи маълумотлар тушишига тайёр бўлинг. Дўст ва ёру биродарларингиз маслаҳатларига лоқайд бўлманг. Аввалги махфий ҳиссиётларингизга чўмишингиз эҳтимоли ҳам йўқ эмас.
- **АРСЛОН** — Сизнинг баъзи ишбилармон ҳамкор ва шерикларингиз ҳафтанинг дастлабки икки-уч кунида ҳақиқий ҳолат ва фактларни нотўғри кўрсатиб, калака қилишлари мумкин. Шунингдек, салбий ҳолатлардан яна бири — яқин қариндошларингиз билан муносабатларингиз мураккаблашиши мумкин.
- **ПАРИЗОД** — Баъзи нотинчлик, мунозаралар тадбиркор ҳамкорларингиз билан моддий жиҳатларда рўй беради. Хуфёна ғанимларингиз ёлғон маълумотлар билан сизни йўлдан уришга ҳаракат қиладилар.
- **ТАРОЗУ** — Мулоқотларингизда бирор мураккабликлар юзага келиши эҳтимоли бор. Иш ва хизмат жойингизда ижобий ўзгаришлар кутилмоқда. Ушбу кунларда севги, фарзандларингиз, ижод масалалари алоҳида аҳамият касб этади.
- **ЧАЁН** — Узоқ сафарлар, чет эл билан боғлиқ бўлган ишлар масаласида чегараю тўсиқлар юзага келиши кутилмоқда. Шунинг учун барча ишларингизда таваккалчилик, ўйламай бирор нарсани қилиб қўйиш, қонунни бузиш кабилардан ўзингизни эҳтиёт қилинг.
- **ЎҚОТАР** — Ишбилармонлик ва тадбиркорлик бўйича ҳамкасбларингиз, шерикларингиз билан баъзи-бир тушунмовчиликлар юзага келиши кутилмоқда. Ҳаддан ташқари ақлий зўриқиш соғлиғингизга путур етказиши мумкин.
- **ТОҒ ЭЧКИСИ** — Мўъжизакор ҳомий ва ғаройиб ҳолатлар таъсири ушбу ҳафтада молиявий аҳволингизни сезиларли тузатишингизга йўл очиб беради. Раҳбарият билан бўлган тўқнашувларингиз ушбу ҳафтада ижобий натижа билан тугамайди. Душанба, сешанба ва жума кунлари низолар, муаммолар, мураккаблашишлар билан ўтиши кутилмоқда.
- **ҚОВҒА** — Ҳамкорлар билан олиб бораётган ишларингизда, сафарларда ҳамда хизматингиз ва касбингиз доирасидаги ишларда алоҳида эҳтиёткор бўлиш тавсия қилинади.
- **БАЛИҚ** — Соғлом ҳаёт кечириш, уддабуронлик, керакли маълумотларга эга бўлмоқ ва ишбилармонлик доирасидаги мустаҳкам таниш-билишликлар ушбу кунларда барча масалаларингизда сизга ёрдам бериб, қўллаб-қувватлайдилар.

*«Қорадори-99»*

## ПУЛ ГАДОЛАРИ

**гиёҳванд моддалар етиштириш ва улар олди-сотдисида кексалар, хотин-қизлар борлиги ўта ташвишли ҳол**

Бугунги кунда қонунга хилоф равишда ер шарининг барча нуқталарида етиштирилаётган гиёҳванд моддалар билан муомала қилишга қарши ҳаракат борган сайин кучаймоқда. Негаки, XX аср вабоси ҳисобланган «оқ ажал» наинки жамият, ҳаттоки давлатлар тараққиётини тўхтатиб қўйиш қудратига эгадир. Чунки, жиноятчиликнинг барча оғирлаштирувчи турлари айни гиёҳвандлик оқибатида келиб чиқмоқда.

Май ойидан буён ўтказилаётган «Қорадори» тадбири давомида жорий йилнинг шу кунига қадар таркибида гиёҳвандлик моддалари бўлган ўсимликлар экиб етиштирилаётган 1009 та ҳолат аниқланиб, 2,4 гектардан ортиқ майдондаги шундай ўсимликлар йўқ қилинди. 762 та ҳолатда ёввойи равишда ўсаётган наша ўсимлигини йўқотиш чорасини кўрмаганлиги учун 402 нафар раҳбар шахс маъмурий жавобгарликка тортилди. Жиноятчилардан 214 килограммга яқин наркотик моддалар олинди. Унинг 14 килограммдан ортиғи героин, 53 килограмми қорадори, 27 килограммдан зиёдроғи марихуана ва 38 килограммдан ортиқроғини кўкнори наркотик моддалари ташкил этади.

Бу борада Мирзачўл тумани ички ишлар ходимлари ҳам жиноятчиларнинг бу йўлдаги хуфиёна қилмишларини фош этишмоқда. Туман ИИБ бошлиғи, милиция полковниги Икром Сарваров шундай деди:

— Яқинда ходимларимиз томонидан гиёҳванд моддаларини сотиш билан шуғулланган бир гуруҳ кишилар қўлга олинди. Чунончи, Булунғур туманида истиқомат қилувчи фуқаро Эргаш Тошматовнинг Бахмал туманида яшовчи шериги Норбой Жўрабоев билан жиноий тил бириктириб, 7 килограмм миқдордаги «Кўкнори» гиёҳванд моддасини сотаётганда режаси амалга ошмай қолди. Сабаби, биз бундан илгарироқ хабар топиб, айни савдо устида уларни ушладик.

Дарҳақиқат, харидорнинг 90 минг сўм пули ва кўкнорфурушларнинг 7 килограмм гиёҳванд моддаси уларга оғир қисмат эшигини очиб беришга кўмаклашди. Бироқ, ёши 60 дан ошган Норбой Жўрабоев ўз айбини тан олиш билан бирга қилмишининг оқибатларини кеч ўйлаб етганидан, қолаверса, у ҳақда қишлоқдошлари ва кўни-қўшниларининг ёмон фикрларга боришини ўйлаб афсус чекди. Уят ўлимдан қаттиқ деб шунга айтсалар керак-да. Бу надоматлару оҳ-зорлар унинг айбини енгиллатишга ожизлик қилди.

Дастлабки маълумотларга кўра, ушбу 7 килограмм кўкнори гиёҳванд моддасини Норбой Жўрабоев ўз уйида бирмунча вақт сақлаб келган. Харидор топилиши биланоқ уни 60 минг сўмга Эргаш Тошматовга сотиб, мўмай пул эгаси ҳам бўлган. Аммо ҳар нарсадан пул топишнинг ҳадисини олган Эргаш Тошматов эса ундан олган кўкнорини бошқа бир кишига 90 минг сўмга сотаётганида қўлга олинди. Ички ишлар ходимларининг ундан буни қаердан олдинг, дея суриштиришлари натижасида Норбой Жўрабоев ҳам панжара ортига ўтадиган бўлди.

Мирзачўллик посбонлар гиёҳвандликка муросасиз қарши кураш олиб бориш жараёнида героин олди-сотдиси билан шуғулланаётган кишиларнинг ҳам хуфиёна қилмишларини фош этишга эришдилар. Хориждан келтирилган атиги 15 граммгина героиннинг савдосига ҳам «ўт» тушди. Шугинадан мўмайгина, яъни 400 АҚШ долларини қўлга киритмоқчи бўлган Гагарин шаҳрида яшовчи Ўролбой Тошбоев ва Шароф Рашидов туманида яшовчи Ўктам Бўтаев ҳамда Ургут туманидан келган Эркин Саидовларнинг қўлига жарақ-жарақ пул эмас, шарақ-шарақ темир кишан тушди.

Гиёҳвандлик моддаларини экиш ва сотишда кекса отахонларнинг аралашишаётгани кишини таажжублантиради. Чироқчи туманида яшовчи салкам 60 ёшли Бахтиёр Қиличевни нима жин урди, дерсиз. Орзуга айб йўқ, албатта. Аммо, у киши тергов жараёнида бу ишни машина олиш учун қилганини айтди. Наҳотки, у шунча ёшга кириб, бу ишнинг жиноят эканлигини ўйламади? Фикримизча, у жуда яхши ўйлаган. Негаки, буни қария дастлабки тергов пайтида «Мен адвокатим келмасдан олдин ҳеч кимга ва ҳеч қандай саволга жавоб бермайман», - деб туриб олганлиги тасдиқлаб турибди. Адвокат кераклигини билган инсон гиёҳвандлик олди-сотдиси билан шуғулланишни жиноят эканлигини унутганлигига ишониб бўлмайди. Қолаверса, қонун уни билмаганларни ҳам жазодан ҳоли қолдирмайди.

Қамаши туманидаги Майда қишлоғида яшовчи Раҳматилла Ҳазратовнинг уйида 4 килограмм 600 грамм миқдоридаги марихуанани 500 минг сўмга сотаётганида қўлга олиниши уни қилмишига яраша жазо олишга етаклади.

Гиёҳванд моддалари олди-сотдисида аёлларнинг ҳам иштирок этишаётгани бу иллатнинг касри-касофати нақадар жирканчлигидан далолат беради. Чунки, ушбу моддаларни ташишда аёллар «меҳнати»дан фойдаланаётган қора кучлар бу гал уларни сотишга ҳам шерик қилишди. Термиз шаҳрида яшовчи Чаман Хўжаева жиноятчи шериклари билан 4 килограммга яқин «қорадори» гиёҳванд моддасини 1400 АҚШ долларига сотишга уринган пайтда ички ишлар ходимлари томонидан қўлга олинди. Ўзингиз айтинг, 50 ёшдан ошган, беш фарзанднинг онаси Чаман Хўжаеванинг қилиғини қандай тушуниш мумкин? Наҳотки, у Термиз шаҳрида ва Тожикистон Республикасида яшовчи жиноий шериклари Абдурафиқ ва Акбар Бўтаевлар билан бирга ушбу моддани сотишдан олдин ўз фарзандлари тақдирини ўйламаган бўлса...

Денов шаҳри ҳудудининг Узун тумани Б.Омонов номли жамоа хўжалигида яшовчи Алишер Хидиров, шу туманнинг Бототоғ қишлоғида яшовчи Мулло Нуралиевлар 1 килограммдан зиёд героин гиёҳванд моддасини 4800 АҚШ долларига сотаётганларида ушландилар.

Шунингдек, ўтказилаётган тезкор тадбирлар натижасида Тошкент шаҳрида яшовчи, муқаддам судланганлар Шорасул Раҳимов ҳамда Жалил Абдураҳмоновлар бир килограммдан зиёд героин гиёҳванд моддасини 8 минг АҚШ долларига сотмоқчи бўлганларида қўлга олиндилар.

Хуллас, кўзига фақат жарақ-жарақ пуллар кўринган нафс бандалари гиёҳванлик моддалари олди-сотдиси билан шуғулланишни энг катта фойда берадиган «бизнес» манбаи ҳисоблашиб, ўзларини ўту-чўққа уришмоқда. Уларнинг назарида қимматбаҳо ҳисобланган наркотиклар эса ушбу ақли қосир ва қалби сўқир бандаларни тубсиз жарликка қулатиб, уларнинг умрларига зомин бўлмоқда.

**Шухрат РЎЗИЕВ,**
**милиция капитани,**
**Жамол ХОЛМИРЗАЕВ,**
**милиция катта лейтенанти.**

ISHONCH

МУАССИС:
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир
Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Ж.Алимхўжаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Ёкубов, В.Зверев (бош муҳаррир ўринбосари- «Ишонч-Доверие»), А.Алламуродов (масъул котиб- «Ишонч»), Ч.Латипов, М.Олимов, М.Содиқов, Н.Рафиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама, эълонлар бўлими 56-87-73

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи; 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди 23.00

Буюртма Г— 0556. 1 2 3 4 5 6